

## БОҒЧА ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА БИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.

Гуломқодиров Музаффар

*Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтути*

*“Неврология ва психиатрия” кафедраси*

Боғча ёшидаги болаларда сезги, идрок, диққат, хотира, тасаввур, тафаккур, нутқ, хаёл, хиссиёт ва ироданинг ривожланиши жадал кечади. Бола рангларни хали бир-биридан яхши фарқ кила олмайди. Унга рангларнинг фарқини билишга ёрдам қиладиган уйинчоқлар бериш лозим (болаларнинг куғирчоқлари учун хар хил рангли қийқимлар бериш, хар хил рангли халқалар, кутичалар ва шунинг сингари нарсалар жуда яхши бўлади).

Боғча ёшидаги болалар турли нарсаларни идрок қилишда уларнинг кўзга яхши ташланиб турувчи белгиларига (ранги ва шаклига) асослансалар хам, лекин чуқур тахлил қилмайдилар. Боғча ёшидаги болалар катталарнинг ёрдами билан суратларни аналитик равишда идрок қилиш қобилиятига эга бўладилар. Бунинг учун болалар суратларни идрок қилаётганларида катталар турли хил саволлар билан уларни тахлил қилишга

ўргатишлари лозим. Бунда асосан болалар диққатини:

1. суратнинг мазмунини(сюжетини) туғри идрок қилишга,
2. суратнинг умумий кўринишида хар бир тасвирланган нарсаларнинг ўрнини туғри идрок қилишга,
3. тасвирланган нарсалар ўртасидаги муносабатларни туғри идрок қилишга қаратиш керак.

Диққат хар қандай фаолиятимизнинг доимий йўлдошидир. Шунинг учун диққатнинг инсон хаётидаги ахамияти хам бенихоя каттадир. Боғча ёшидаги болалар диққати асосан ихтиёрсиз бўлади. Боғча ёшидаги болаларда ихтиёрий диққатнинг ўсиб бориши учун ўйин жуда катта ахамиятга эга. Уйин пайтида болалар диққатларини бир жойга тўплаб, ўз ташаббуслари билан маълум максадларини илгари сурадилар.

Бу ёшдаги боланинг хотираси янги фаолиятлар ва боланинг олдида қуйилган янги талаблар асосида такомиллаша боради. Боғча ёшидаги болалар ўзларининг фаолиятлари учун қандайдир ахамиятга эга бўлган, уларда кучли таассуротлар қолдирган ва уларни кизиктирган нарсаларни беихтиёр эсларида олиб қоладилар.

Боғча ёшидаги болалар тафаккури ва унинг ўсиши ўзига хос хусусиятга эга. Тафаккур боланинг боғча ёшидаги даврида жуда тез ривожлана бошлайди. Бунинг сабаби, биринчидан, боғча ёшидаги болаларда турмуш тажрибасининг нисбатан купайиши, иккинчидан, бу даврда болалар нутқининг яхши ўсган бўлиши, учинчидан эса, боғча ёшидаги болаларнинг жуда кўп эркин мустакил ҳаракатлар қилиш имкониятига эга бўлишларидир.

Боғча ёшидаги болаларда ҳар соҳага доир саволларнинг туғилиши улар тафаккурининг фаоллашаётганидан дарак беради. Бола ўз саволига жавоб топаолмаса ёки катталар унинг саволига ахамият бермасалар, ундаги қизиқувчанлик сусая бошлайди. Одатда ҳар қандай тафаккур жараёни бирон нарсадан таажжубланиш, хайрон қолиш ва натижада турли саволларнинг туғилиши туфайли пайдо булади. Жуда кўп

ота-оналар ва айрим тарбиячилар ҳам болалар ортиқроқ савол бериб юборсалар, «кўп махмадона бўлма», «сен бундай гапларни қаердан ўргандинг», деб жеркиб ташлайдилар. Натижада бола уксиниб, ўз билганича тушунишга ҳаракат қилади. Аммо айрим пассив ва тортинчоқ болалар ҳеч бир савол бермайдилар. Бундай болаларга турли машғулотлар ва саёхатларда катталарнинг ўзлари савол беришлари ва шу билан уларни фаоллаштиришлари лозим. Ҳар қандай тафаккур, одатда бирон нарсени таққослаш, анализ ва синтез қилишдан бошланади. Шунинг учун биз ана шу таққослаш, анализ ва синтез қилишни тафаккур жараёни деб атаймиз. Саёхатларлар болалардаги тафаккур жараёнини фаоллаштириш ва ривожлантиришга ёрдам беради. Болалар табиатга қилинган саёхатларда турли нарсаларни бир-бири билан таққослайдилар ва анализ ҳамда синтез қилиб қуришга интиладилар. Боғча ёшидаги болалар нутқи ва унинг ўсиши агар 2 яшар боланинг сўз запаси тахминан 250 тадан 400 тагача бўлса, 3 яшар боланинг сўз запаси 1000 тадан 1200 тагача ва 7 яшар боланинг сўз запаси 4000 тага етади. Демак, боғча ёши даврида боланинг нутқи ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан анча такомиллашади. Боғча ёшидаги болаларнинг нутқини ўсиши оиланинг маданий савиясига боғлиқ. Катталар болалар нутқини ўстириш билан шуғулланар эканлар, боғча ёшидаги болалар баъзи ҳолларда ўз нутқ сифатларини тула идрок эта олмасликларини унутмасликлари керак. Бундан ташқари, болаларда мураккаб нутқ товушларини бир-биридан фарқ қилиш қобилияти ҳам хали тўла такомиллашмаган бўлади. Тили чучукликни тузатишнинг энг биринчи шартларидан бири бола билан тўла ва тўғри талаффуз этиб, равои тил билан гаплашишдир.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Muzaffar, G. (2023). Features of Reactive Psychosis in Schizophrenia. *Research Journal of Trauma and Disability Studies*, 2(1), 44-49.
2. Muzaffar, G. (2023). Modern Concepts About Schizophrenia. *Eurasian Medical Research Periodical*, 16, 37-41.
3. Гуломқодиров, М., & Машрапов, Ж. (2022). ЭМПИРИЧЕСКИЙ ПОИСК ВЗАИМОСВЯЗИ КОГНИТИВНОГО ФУНКЦИОНИРОВАНИЯ И ОБЩЕКЛИНИЧЕСКОЙ КАРТИНЫ У БОЛЬНЫХ ШИЗОФРЕНИЕЙ. *Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences*, 1(5), 221-223.
4. Долимова М.А., Аграновский М.Л., Солиев Д.М., Гуломқодиров М.М. (2022). РОЛЬ ПОДДЕРЖИВАЮЩЕЙ ТЕРАПИИ В СРАВНИТЕЛЬНОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ КАЧЕСТВА И СТРУКТУРЫ РЕМИССИЙ ПРИ РЕЦИДИВНОЙ ШИЗОФРЕНИИ. *Искусство медицины. Международный медицинский научный журнал*, 2 (1).
5. Гуломқодиров, М. (2021). АФЪЮНГА ҚАРАМЛИК ХОСИЛ БУЛИШ ДИНАМИКАСИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ. *Интернаука*, (20-7), 23-25.
6. Аграновский, М. Л., Гуломқодиров, М. М., Далимова, С. А., & Муминов, Р. К. (2022). АНАЛИЗ ДАННЫХ ОТДАЛЁННОГО КАТАМНЕЗА ПРИ ШИЗОФРЕНИИ С РЕМИТТУРУЮЩИМ ТИПОМ ТЕЧЕНИЯ. *Экономика и социум*, (6-2 (97)), 285-288.
7. Аграновский, М. Л., Гуломқодиров, М. М., Муминов, Р. К., & Далимова, С. А. (2022). ОТДАЛЕННЫЙ ЭТАП ШИЗОФРЕНИИ С РЕМИТТУРУЮЩИМ ТИПОМ ТЕЧЕНИЯ И РАССТРОЙСТВ ШИЗОФРЕНИЧЕСКОГО СПЕКТРА. *Экономика и социум*, (6-2 (97)), 289-292.
8. Гуломқодиров, М. (2021). ЮРАК-ҚОН ТОМИР КАСАЛЛИКЛАРДАГИ ДЕПРЕССИЯ ХОЛАТИНИ ТАШҲИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Интернаука*, (17-4), 61-62.
9. Гуломқодиров, М. (2023). ДЛИТЕЛЬНЫЕ СТАДИИ ПОЗДНЕЙ ШИЗОФРЕНИИ РЕМИТТИРУЮЩЕГО ТИПА. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, 2(19), 349-355.
8. Uktamovna, M. M. (2023, October). EPITET TARIXI VA NAZARIYASIGA BIR NAZAR. In *International Scientific and Current Research Conferences* (pp. 127-132).
9. Uktamovna, M. M. (2023). O'ZBEK VA INGLIZ TILLARIDA EPITETNING CHOQ'ISHTIRMA TADQIQI. OBRAZLI EPITETLAR. MODELS

AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH, 2(23), 439-444.

12. Mamadjanova, M. (2023). ESSENTIAL CHARACTERISTICS OF EPITHET. International Bulletin of Applied Science and Technology, 3(10), 89-91.

13. Uktamovna, M. M. (2022). EPITETNING LINGVISTIK TABIATI. IJTIMOIIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIY JURNALI, 2(8), 26-30

14. Uktamovna, M. M. (2023). TRANSFERRED EPITHET IN ENGLISH LANGUAGE. Научный Фокус, 1(1), 921-924.

15. Раҳмонов, М. (2023). ҲИС-ҲАЯЖОН ВА САЛОМАТЛИК. SCIENTIFIC ASPECTS AND TRENDS IN THE FIELD OF SCIENTIFIC RESEARCH, 2(15), 55-63.

16. Раҳмонов, М. (2021). СЎЗНИНГ САЛОМАТЛИККА ТАЪСИРИ. Scientific journal of the Fergana State University, (6), 42-42.